

# ISHONCH



## КОРХОНА МАҲСУЛОТИ ЭКСПОРТГА

Болалар ва ичкийим трикотажи ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Alkim textile» хусусий корхонасида 600 нафар киши меҳнат қилади.

Корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Европа стандартларига жавоб берадиган ушбу маҳсулотларнинг асосий харидорлари Германия,

Голландия, Бельгия, Австрия, Туркия ва Россиянинг танкили фирма ҳамда компаниялари ҳисобланади.

«Alkim textile» сифатли ип экспортни билан ҳам шуғулланади. Ҳар йили хорижга 7000 тоннагача ана шундай маҳсулот сотилади. Шунингдек, корхона йилга 1500 тонна бўялган трикотаж матосини ички бозорда сотади ва экспортга жўнатади.

Бундан ташқари бу ерда ҳар йили 5 тоннагача гўлли газлама ҳам ишлаб чиқарилади. Бўялган тайёр газлама Туркия, Болгария, МДХ давлатларига етказиб берилади.

МДХ давлатларида бўялган трикотаж матосига талаб тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли «Alkim textile» корхонаси ишлаб чиқариш қувватини оширмоқда.

**Суратларда: тикувчилар Дурдона Аҳмедова ва Сайёра Ризаева**

**Аъло АБДУЛЛАЕВ**

(ЎЗА) олган суратлар



Давр ҳар бир ташкилот олдига аниқ ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни оқламоқда. Шу боисдан ҳам касабани уюшма ташкилотлари жойларда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалашни кучайтирмоқдалар. Бу ишда қандай янги шакл ва услублардан фойдаланиб самарадорликни ошириш мумкин? Қуни кеча Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшма Марказий кенгашининг III мажлисида шу ҳақда гап борди.

Тармоқ касабани уюшма Марказий кенгашининг IV қурултойида белги-ланган вазифаларни ба-жариш бўйича олиб бо-рилаётган ишлар тўғрисида Марказий кенгаш раиси Д. Алимхўжаева маъруза қилди. Сузга чиққан Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Абидов, Марказий кенгашнинг Самарқанд вилояти

Тошкент вилояти Хўжалик судининг судьяси М. Ниёзовлар меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш

бўйича вакили А. Исоқов, республика ташкилотлари олдига вазифалар қўйиладиган Миллий банки бирлашган касабани уюшма қўмитасининг раиси У. Ибрагимов, Қашқадарё вилоят давлат мулкисини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг бош инспектори А. Каримова,

Тадбирда Ўзбекистон касабани уюшма Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиков қатнашди ва нутқ сўзлади.

**Н. РАФИҚОВ**  
«Ishonch» мухбири

## АСОСИЙ ВАЗИФА

### Хабарлар

Яккабоғ тумани марказидаги болалар истирожат боғи ўзгача чирой очди. Бу ерда ҳар хил аттракционлар ўрнатилди, янги амфитеатр барпо этилди. Ўғил-қизларнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун ҳамма қўлайликлар яратилди.

## БОҒ ВА БОҒЧА ИШГА ТУШДИ

Касби туманининг Фаъли қишлоғида тадбиркор ва фермерлар ёрдами билан қаровсиз қолдирилган 90 ўринли болалар боғчаси таъмирланиб, ишга туширилди. Қишлоқдаги тарбия масканида болажонларнинг қувноқ қулгўлари, шўх-шодон кийкириқлари янграй бошлади.

## Қўшалок шодиёна

Чирокчи тумани марказида «Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси ҳомийлигида бунёд этилган 3 минг ўринли ўйингоҳнинг фойдаланишга топширилиши ҳақиқий байрамга айланб кетди.

Янги маҳмулда қишлоқ ёшлари спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланиши имкониятига эга бўлдилар.

Яна бир қувончли томони шундаки, айнан шу қуни кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ногирон ва ёлғиз кексаларга 70 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, муҳтожларга чорва моллари тарқатилди. Ака-ука тадбиркор Амиркуловлар 50 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйини ўтказишди.

**Иззат ҲИҚМАТОВ**  
«Ishonch» мухбири

## БОЗОРЧИЛАР, БЎШ КЕЛМАНГ!

Избоскан туман деҳқон бозори масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ижтимоий ҳимоя йилда кам таъминланган ва ногирон кишилар ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнглини кўтариш мақсадида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Яқинда ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида туровчи меҳрга муҳтож кишилардан бирига ногиронлик аравачасини тўхфа этди. Шунингдек, Чувана қишлоғидаги «Муруват уйи»га ҳам 200 минг сўм маблағ ўтказиб берди.

— Албатта, бу кўмагимиз жуда арзимасдек туюلسа-да, ногирон ва меҳрга ташна инсонларга имкон қадар ёрдам қилини чўзганимиздан хурсандимиз, — дейди бозор директори Убайдулло Баитов. — Йил давомида кам таъминланган ва фахрийларга моддий ёрдам беришни режалаштирганмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Дарҳақиқат, бозор жамоаси биринчи чорак режасини 102 фоизга бажарди. Шу билан бирга савдо қилувчи деҳқон ва тадбиркорлар учун қўлай шароит яратиш мақсадида ободончилик, таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда: атроф ва ичкари кўриниш тубдан яхшиланди. Миллий пиши-

риқлар сотиш расаси тадбиркорлар билан хашар уюштирилиб, тўлиқ таъмирланди. Озиқ-овқат маҳсулотини сотиш дўконлари ичкарига киритилиб, гўшт маҳсулотлари сотадиган 6 та янги қассобхона очилди. Уларда сифатли гўшт маҳсулотларини арзонлаштирилган нархда сотиш йўлга қўйилди.

Бозор қошидаги савдо-харид корхонаси йил бошидан буён аҳолига 18 миллион 350 минг сўмлик хизматлар кўрсатди. Улар томонидан олиб келинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мунтазам савдога чиқарилиб, нархларнинг ошиб кетишига йўл қўйилмапти.

**Абдулхай ЮСУПОВ**  
«Ishonch» мухбири

## ЭЗГУЛИК ЙИЛИ ҚАДАМЛАРИ

Бекобод шаҳрида жойлашган «Саховат» ногирон болалар боғчаси болажонларига Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабани уюшма Марказий кенгаши томонидан юмшоқ ўйинчоқлар ва эсдалик совғаларни топширилди. «Ўзбекистон металлургия комбинати» АИБ раҳбарияти ва касабани уюшманинг ташаббуси билан маҳаллалардаги олти юздан ошиб кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг ҳар бирига ўн минг сўмдан нақд пул ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Шунингдек, мазкур корхона томонидан Бекобод шаҳри ва туманидаги 130 нафар ногирон боланинг ҳар бирига рангли телевизор, спорт кийими, ногирон болаларга 15 дона аравача тақдим этилди. Республика бўйича «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловининг мулоқот бўлиб бўлган 16-сонли ўрта мактаб ўқувчиларига «Ахборот-ресурс маркази» хонаси учун 12 дона компьютер совға қилинди.

**Шерзод КАМОЛОВ**

## Фаолият

## СЕМИНАР-МАШҒУЛОТ

### маърифий мулоқотга уланиб кетди

Бобўят туманидаги «Деҳқонobod» деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси ҳудудда жойлашган 4-умумтаълим мактабида «Бошланғич касабани уюшма ташкилотлари иш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» мавзусида семинар-ўқув машғулотлари ўтказилди. Тадбирда касабани уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллар қатнашди.

Дарҳақиқат, касабани уюшма фаолиятини доимо такомиллаштириб бориш, ходимлар ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда маъмулиятли иш ҳамisha янгиликка интилиши тақозо этади. Жаддалик билан ўзгариб бораётган даврнинг долзарб талабларини ҳисобга олган таълим ва фан ходимлари касабани уюшма вилоят Кенгаши мазкур семинар-ўқувни ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади ва ўзи ҳам унда бевосита қатнашди.

Тадбирни таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Қаршибой Эш-назаров кириш сўзи билан очди.

— Биласизми, — деди вилоят Кенгаши раиси ўз сўзида, — ҳар бир кун олдимизга янги-янги вазифаларни қўндаланг қўйяпти. Бугунги иш услубимиз эрта-индин эскириб қолмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайдди. Семинар-ўқувимиздан асосий мақсад ҳам замон талаблари билан ҳамнафас бўлиш ва янгила вазифаларни ўз вақтида ба-жариш кўникмасини иш услубимизга киритишдир.

Ўқувда Сирдарё вилояти касабани уюшма ташкилотлари Бирлашмасининг ташкилий ва ахборот-таҳлил

ишлари бўлими мудири А.Абдуллаев бошланғич касабани уюшмалари ташкилотлари тузилмасини янада такомиллаштириш, серкўра фаолиятда юксак самараларга эришиш йўллари ҳақида гапирди.

Биргина мисол. Вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимида илгари тарқоқлашиб келган салкам 40 та бошланғич касабани уюшма ташкилотлари битта Бирлашган касабани уюшма қўмитасига би-рлашди. Эндиликда бу таълим тизи-мидаги касабани уюшма ташкилотлари раҳбарлик қилиш ихчамлашди.

Семинарда касабани уюшмалари ташкилотлари Бирлашмасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўлими мудири, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Ифтихор» эсдалик нишони соҳибаси Моҳира Умарова, таълим соҳаси ходимлари касабани уюшмаси вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Анорбой Уринбоевлар ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифалар тўғрисида сўз юритишди.

Семинар машғулотнинг иккинчи ярми маънавий-маърифий соат деб эълон қилинди.

**Пиримқул ДУСТМАМАТОВ**  
«Ishonch» мухбири

## Спартакиада

Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати, Халқ таълим вазирлиги, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси ҳамда Федерациянинг жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлида профессор-ўқитувчилар ва Ўзбекистон Фанлар академияси илмий ходимлари ўртасида иккинчи республика спартакиадаси бўлиб ўтди.

кенгаши томонидан, балки бошланғич ташкилотлар томонидан ҳам меҳнат жамоаларига кўпроқ, аънавий тарзда уюштирилса.

Абдулҳаким Ҳакимов, Андижон Давлат университети бирлашган касабани уюшма қўмитаси раиси:

## ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ



Республикамизнинг барча ҳудудларидаги 42 та олий ўқув юртидан таширф буюрган 140 нафарга яқин спортсеварлар тушгача шашка, шахмат, стол теннис, армрестлинг ва арқон тортиш бўйича белла-шишган бўлса, тушдан кейин баҳава «Бўстон» санаторийсида соғломлашти-риш муолажаларини олишди.

Хўш, спорт-соғломлашти-риш тадбирлари қандай ўтди? Бу саволга қуйидаги фикрлардан жавоб оласиз.

**Сулаймон Иноатов**, **Навоий Давлат педагогика институтининг кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор:**

— Спорт мусобақалари ва соғломлаштириш муолажаларидан сўнг ўзимни ёшарангдек ҳис қиламан. Тадбирлар давомида республикамизнинг деярли барча олий ўқув юртлари-дан келган ҳамкасбларимиз билан янада яқинлашдик. Ишимиз, муаммолар ечи-ми устида фикрлар алмаш-дик. Қарангки, касабани уюшмалари бизга ижтимоий ҳимоя йилида шундай гам-хўрликлар қилиб, ўзимиз-ни ҳам иш жойларимизда намуна бўлишга, ёшлар-нинг онгига меҳр-оқибат туйғуларини синдиришга даъват этади, назаримда.

**Файрат Эшонхўжаев**, **Ўзбекистон Фанлар академияси алгоритм-инженеринг илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири, техника фанлари доктори:**

— Ҳар бир иштирокчи «Бўстон» санаторийси тиб-бий ходимлари томонидан кўриқдан ўтказилиб, тахсис натижаларига кўра, даво му-



**Икром ҲАСАНОВ**  
олган суратлар

олажалари кўрсатилди. Шунингдек, қизгин спорт баҳ-слари ҳар биримизга юқори иштиёқ ва ишқибозлик за-вқини улашди.

Тақдирим, бу каби спорт-соғломлаштириш тад-бирларини нафақат тармоқ касабани уюшмаси Марказий

— Спартакиадага Анди-жон Давлат университети, Андижон Давлат муҳан-дислик-иқтисодий инсти-тутини ҳамда Андижон Дав-лат тиллар педагогика ин-ститутидан уч нафардан, жами 9 нафар профессор-ўқитувчилар ва касабани уюшма фаоллари келган-дик. Жамоанинг аксарият аъзолари спорт турлари бўйича голиб ёки соврин-дор бўлиб, ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғаларга, дипломларга мушарраф бўлишди.

Биз каби касабани уюшма фаоллари ва олий ўқув юртлари фахрий устозла-рининг мазмуни ҳордиқ чиқариши, доимий илмий меҳнатдан сўнг саломат-ликларини тиклаши учун ушбу соғломлаштириш тадбирини ташкил этган-ларга ўз миннатдорчили-гимизни билдирамиз. Ахир, яхши дам — меҳнат-га ҳамдам, дейишди-ку.

Биз мусобақа голибла-

ри рўйхатини атай кел-тирмадик. Чунки спартаки-ада иштирокчиларнинг ўзидан мағлубият аламла-ри ёки белгилари йўқ эди...

**Акмак АБДИЕВ**, **Тўлқин ШЕРНАЕВ**,  
«Ishonch» мухбирлари

Кўрган қўшни қувонтирадиган, замонавий услубда бунёд этилган, дунё таълим стандартлари даражасида жиҳозланган ва айни пайтда минглаб ёшларни бағрига олиб, уларга касб-ҳунар ўргатадиган коллежлар кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мевасидир. Бундай масканларда дастур асосида яна қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ушбу саволга Урганч иқтисодийёт коллежи мисолида жавоб излашга ҳаракат қилдик.

— Бу даргоҳ 1996-1997 ўқув йилида ўзининг илк талабаларини қабул қилган эди. Битирувчилари-миз эндиликда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий юксалишига ўз билим, салоҳиятлари билан хиз-мат қилишга киришдилар. Собик талабаларнинг кўпчилиги нуфузли олий ўқув юртларида тахсил ол-моқдалар. Утган йили ҳам бити-рувчиларимизнинг 30 фоиздан ошиғи олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш бахтига му-шарраф бўлишди, — дейди коллеж директори вазифасини бажарувчи Бекпошша Жуманиёзова.

Ҳозирда 1290 нафар талаба банк иши, бухгалтерия, молия, солиқ, ҳуқуқшунос-иқтисодчи йўналишлари бўйича тахсил ол-моқда. Уларга 70 дан ортиқ про-фессор-ўқитувчилар фан, касб-хунар сирларини ўргатишмоқда.

Профессор-ўқитувчилар доимий равишда малака ошириш курсла-рида билимларини бойитиб бора-дилар. Ҳуқуқчилар орасида халқ-аро ташкилотларнинг лойиҳалари-

да иштирок этиб, грант соҳибла-рига айланганлар сони ошиб бор-моқда.

— Биз дарсларни ноаънавий тарзда ташкил этишга кенг эъти-

## САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ

бор қаратяпмиз, — дейди Б. Жуманиёзова. — Ҳуқуқчилардан ҳар бир дарсни янгича услубда ўқи-шни талаб қиламиз. Дарсларни мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб бораемиз. Банк иши ўқитувчиси Дилфўза Бобонова, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Нигора Самандарова, тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Иззат Юсупов, бухгалтерия хисоби ўқитувчиси Ойибби Матжоновлар ҳамкасбларига иб-рат бўлмоқдалар.

## Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

Маскан энг сўнги русумдаги компьютерлар, кодоскоплар, мультимедиа тизимига эга. Ахборот-ресурс марказининг китоб захираси 30 мингдан ортиқ бўлиб, ундан нафақат коллеж талабалари, балки яқин атрофда жойлашган олий ўқув юртлари профес-

сор-ўқитувчилари, талабалари, мактаб ўқувчилари ҳам фойдаланадилар. Барча компьютерлар, шу жумладан ахборот-ресурс маркази интернет тармоғига уланган. Бу ўқитувчи ва талабаларга таълим тизимидаги энг сўнги янгиликлардан ўз вақтида воқиф бўлиш имконини яратмоқда.

2006-2007 ўқув йилида умум-таълим фанлари бўйича ўтказил-ган фанлар олимпиадасининг ша-ҳар босқичида талабалар фаол иш-

тирок этишди. Шунингдек, Феруза Қодирова ва Ҳабибулла Ҳакимов аъло ўқиши ва жамоат ишлариди фаол иштироки учун «Авесто» стипендиясига сазовор бўлишди.

Банк иши бўйича амалий маш-ғулотларнинг коллежда «Микро-кредитбанк» вилоят филиали билан ҳамкорликда ташкил қилин-ган минибанкда ўтилиши талаба-ларнинг касб сирларини пухта эгаллашларига хизмат қилмоқда.

Талабалар ҳар йили тиббий кўриқдан ўтказилади. Ёшлар бўш вақтларида гимнастика, баскетбол, теннис, шахмат-шашка залларида мунтазам равишда шуғулланиди-лар. Ҳар бир гуруҳда маънавийот со-атлари мунтазам равишда ўткази-либ борилади.

Коллежда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида қўллаб-тадбирлар амалга оширил-япти. 32 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъмин-ланган оила фарзанди бўлган икки талабага стипендия тайинланди.

**Мухаббат ТўРАБОВЕВА**,  
«Ishonch» мухбири

Ижтимоий ҳимоя — давлатимиз сибсатининг устувор йўналиши, халқимизга хос бағрикенглик, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига кўмаклашиш, ёлғиз кексалар, етим-есирлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш аниъанга айланган. Юртимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди.

Қарши даштани ўзлаштириш ҳисобига ташкил этилган ва ҳозирги пайтда ривожланишининг оидин йўлига ўтиб олган туманида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофазалашга алоҳида аҳамият берилляпти.

Давлат томонидан пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи 7215 нафар кишининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилляпти.

Президентимизнинг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «2007-2010 йилларда ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарор тадбирлари асосида аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилляпти.

Узгалар парваршига муҳтож 22 нафар ёлғиз қариялар, эликдан зиёд пенсионер ва ногиронлар,

лиёв ва тadbиркор Эшниёз Кўчимов сингари саховатпешалар ҳиммати билан 112 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол тарқатилди.

Бундан ташқари, 82 оилага ситир сотиб олиш учун 43,2 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. 35 та кам таъминланган оилага хомийлар маблағи ҳисобидан банкда ҳисоб рақами ва омонат дафтарчалари очилди. 132 та деҳқон ҳужалиги тузилди, 49 тасига уй-жой қуриш учун ер ажратилди,

қалар егаларига ўз вақтида етказилляпти. Белгиланган дастурда аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёж сезадиған қисмини, айниқса, кўп фарзандли ва ногирон боласи бор оилаларни, боқувчисини йўқотганларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни доимий равишда амалга ошириш кўзда тутилган.

Хафтанинг ҳар яшанбаси «Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш кунин» деб белгиланди. Шу кунин ҳар бир раҳбар ходим камид аикита хонадонда бўлиб, уларнинг муаммолари билан қизикади, дилдан суҳбатлашади ва энг муҳими, ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Одамларга моддий ва маънавий қўлмақ, меҳр-оқибат, ҳамда саховат кўрсатганларнинг эзгу амаллари, албатта, азгина яхшилик билан қайтади.

Фароғат БУЗРУКОВА, Нишон туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи

# МУНАВВАР ҚАЛБЛАР

Хамро Имомовлар ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Ходимларимиз туман халқ ҳужалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, айна пайтда пенсияда бўлган Баҳодир Солиҳов, Клавдия Қазақова, Асия Шадимова, Клавдия Петрова каби ёлғиз кексаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон етказиб бериши, уй-рўзғор юмушларида яқиндан кўмаклашишляпти.

Хайру саховатини аямаяган, савоб ишларга қўл уриб, эл-улус дуосини олганлар ҳаммиша ёззода. Фермерлар Карим Кенжаев, Нуркул Ҳаққулов, Содиқ Хо-

ёлғиз пенсионерлардан уч нафарининг уйи таъмирлаб берилди.

Нафақадорлардан 15 нафари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли, 25 нафари касабга уюшмалари тасарруфидоги сихатгоҳларда соғломлаштирилди. Ўтказилган тadbирларда 887 та кам таъминланган оилага, 72,4 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Искандар Боситов раҳбарлик қилаётган Талимжон иссиқлик электр станциясини жамоаси юздан зиёд муҳтож оилага 2,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Пенсия ва нафа-

қалар егаларига ўз вақтида етказилляпти. Белгиланган дастурда аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёж сезадиған қисмини, айниқса, кўп фарзандли ва ногирон боласи бор оилаларни, боқувчисини йўқотганларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни доимий равишда амалга ошириш кўзда тутилган.

Хафтанинг ҳар яшанбаси «Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш кунин» деб белгиланди. Шу кунин ҳар бир раҳбар ходим камид аикита хонадонда бўлиб, уларнинг муаммолари билан қизикади, дилдан суҳбатлашади ва энг муҳими, ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Одамларга моддий ва маънавий қўлмақ, меҳр-оқибат, ҳамда саховат кўрсатганларнинг эзгу амаллари, албатта, азгина яхшилик билан қайтади.

Фароғат БУЗРУКОВА, Нишон туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи

# Етақчи минбари МУҲИМИ — ОДАМЛАР ИШОНЧИ

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси туман Кенгаши давр талабларидан келиб чиқиб меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялаш, тармоқ ходимлари ўртасида маънавият ва маърифат, миллий қадриятларимизни тиклаш, соғломлаштириш, маданий ва спорт тadbирлари кўламини кенгайтириб бормоқда. Бошланғич ташкилотлар ўзларининг иш фаолиятларини қабул қилинган жамоа шартномаларини ҳаракат дастури деб билган ҳолда маҳалла, бошқарув идоралари, жамоат ташкилотлари ва ижтимоий ҳимояга мутасадди бўлган хайрия жағғармалари билан ҳамжиҳатлик асосида олиб боришляпти.

Иш жойларида соғлом ва хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича қатор ташкилий тadbирлар амалга оширилди. Хотин-қизлар ва ёшлар, шунингдек, ногиронлар, пенсионерлар, байналмилалчилар, чернobilчилар ва бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича ишлар жонлантилди. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасаларининг моддий техника базасини мустақамлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада жонлантириш борасидаги ишлар йўлга қўйилди.

Туман кенгаши ва тизимдаги бошланғич ташкилотларнинг ўтган даврдаги фаолияти шунини кўрсатадики, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг IV ҳамда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси III қурултойлари қарорлари асосида ишлаб чиқилган тadbирлар жойларга етказилиб, уларнинг ижроси ўрганилганда ҳали олдимизда ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эканлиги аён бўлди.

Мустақиллик мақоми берилган таълим муассасаларида тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши суърталари талаб даражасида эмас. Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш масаласи долзарбликка эришди.

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Бувайда тумани Кенгаши тасарруфидо 54 та мактаб, 36 та мактабга-ч тарбия, 4 та болалар ва ўқувчилар спорт мактаби ва 4 та мактабдан ташқари таълим муассасалари ва педагогика коллежи фаолият кўрсатмоқда. Туман бўйича касабга уюшма аъзолари сонини 7371 нафарни ташкил этади.

Таълим муассасаларида иш берувчи ва касабга уюшмаси ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномалари асосланган меҳнат ҳақ тўлаш, бандлик қарорлари, маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, спорт ишлари бандларида белгиланган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон КУФК раёсати қарори билан тасдиқланган «Жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш тартибига» биноан тумандаги юридик мақомга эга бўлган 10-, 22-, 24 -, 25 - ва 39-мактаблар касабга уюшма кўмиталарининг мактаб маъмурияти билан тузган «Жамоа шартномалари» туман кенгаши эксперт комиссияси томонидан экспертизадан ўтказилди.

2005-2006 йиллар давомида таълим муассасаларида иш ҳақи, бандлик, жамоа шартномаларининг бажарилиши, тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига доир масалалар туман Кенгаши йиғилишларида ўтган йилда 6 марта қўриб чиқилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ходимларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам биринчи ишлар амалга оширилди. Оммавий спортни ривожлантириш мақсадида ижтимоий уюшма йўлига билишланган таълим ходимларининг аниъанавий XV спартакиадаи бўлиб ўтди. Унда 1500 нафар тармоқ ходимлари қатнашиб спортнинг 6 тури бўйича беллашди. Қўллаб-қувватлаш ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланган ҳолда ташкил қилинди. Қалабага эришган жамоалар ва спортчилар турли даражадаги диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Н. КАМОЛОВ, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Бувайда тумани кенгаши раиси

# Ахборот АЪЗОЛИК БИЛЕТИ ТАРҚАТИЛМОҚДА

Сафларига 16258 нафар касабга уюшма аъзоларини бағлаштирган Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Сурхондарё вилоят вакиллиги кунин кеча янги нуздаги аъзолар билетини тарқата бошлади.

— Бугунгина у Сурхондарё вилоят Марказий банки, Ипотека банки, Термиз банк коллежи, вилоят факултетада вазиетлар ҳамда Давлат мулкни бошқармаси каби 100 дан ортиқ бошланғич ташкилотлардаги аъзоларимизга тарқатилди. Янги нуздаги билетни олган фуқаролар сонини минг нафардан ошиб кетди. Билетларни топшириш маросимида Сурхондарё вилоят касабга уюшмалари таш-

# БЕПУЛ ЙЎЛЛАМА

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Фурқат тумани вакиллиги томонидан ушбу соҳада меҳнат қилаётган кўп болалик, кам таъминланган оилалар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан йил бошида жамоа шартномаларига тегишли ўзгаришлар киритилгани кўл келмоқда. Жумладан, 2—3 ёшгача болалик аёлларнинг иш ҳафтаси бир соатга камайтилди.

Шунингдек, касабга уюшма ва хомийлар кўмағида кам таъминланган ходимлар моддий рағбатлантирилди. Бир нафар ногирон ходимига «Умид гулшани» сихатгоҳига бепул йўллама берилди. Йил давомида 13 нафар афғон уруши қатнашчиларини бепул йўлланмалар бериш орқали соғломлаштириш режалаштирилди.

Мақтаб ўқувчиларининг ёзги таълини давомида тиббиёт ходимларининг кам таъминланган фарзандларига соғломлаштириш мавсумида оромгоҳларга 15 та бепул йўлланмалар касабга уюшма ҳисобидан тақдим этилади.

Дилнавоз АХМЕДОВА

адолат нуқтаи назаридан ҳимоя қилаётган давлатда яшаб, меҳнат қилиш нечоғли бахт эканлигини ҳаммамиз биламиз. Яна шунини айтиш керакки, жамоат ташкилотлари орасида касабга уюшмалари алоҳида ўрин тутди.

— Фуқаролик паспорти — Ўзбекистон фуқароси эканлигини аниқлагас, касабга уюшмасининг аъзоллик билан — самарали меҳнат қилишимиз учун муҳим омилдир, — дейди Сурхондарё вилоят Марказий банкнинг бўлим бошлиғи Ойдулдан Жумаева.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

# 2007 йил — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ

# КЎМАК

Ижтимоий ҳимояга муҳтожларни муҳофаза қилиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир. Бу борада бир қатор кунун ва қарорлар қабул қилиниб, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базаси яратилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентимизнинг 1991 йил 27 майдаги «Узгалар парваршига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони айнан ушбу мақсадларга йўналтирилган.

Юртбошимизнинг юқоридоги Фармони асосан ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси юзасидан 13 нафар якка-ёлғиз пенсионер рўйхатига олинган бўлиб, улар кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаиб келинмоқда. Уларга 10 на-

фар ижтимоий таъминот бўлими ходими бириктирилган. Узгалар парваршига муҳтож пенсионерларга эса бепул дори-дармон, транспортда юриш учун имтиёзлар яратиб берилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 39 нафар пенсионер санаторийларда дам олдирилди. Ногирон

болалар реабилитация-техник воситаларига муҳтожлиги ҳақида берилган ҳулосалар асосида протез-ортотопедия мосламалари, реабилитация-техник воситалари (ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари) билан таъминланмоқда.

Энг муҳими, ногирон болаларни касбга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 3 нафари ўқишга йўлланма билан юборилди. Кам таъминланган, якка-ёлғиз пенсионерларга ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш мақсадида туман «Пахта банк» ҳисоб рақамига хомийлар томонидан 1.071.000 сўм маблағ туширилди. Ушбу маблағлар эвазига реабилитация техник воситалари харид қилинди. 248 нафар ногирон болага нафақа ва 192 нафарига боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланган бўлиб, ўз вақтида етиб бориши доимий назоратга олинган.

Реабилитация самарадорлиги бўлган вояга ет-

маган ногиронлар учун биргина жорий йилнинг ўтган даврида 7 та ҳолатда якка тартибдаги реабилитация учури тузилган ва шу асосда улар даволаш-профилактика муассасаларига юборилди.

Халқ таълими бўлими тасарруфидоги мактабларда 2006 — 2007 ўқув йилида якка тартибдаги уй шароитида 90 нафар ногирон ўқувчи таълим олди. Бундай ўқувчилар кам таъминланган оила фарзандлари сифатида 4 турдаги иссиқ кийим бош ҳамда ўқув дарсликлари билан таъминланди. Уларга уй шароитида таълим олишлари учун парта, стол-стул, доска мактаблар томонидан тақдим этилди. Бундан ташқари, тиббий қўриқдан ўтказилиб, уй шароитида, белгиланган дарс режаси асосида мутахассис ўқитувчилар томонидан таълим берилиши йўлга қўйилган.


Узгалар кўнун фидо бўлиб яшашни ҳаёт мезони айлантирган жонқуяр инсонлар бор экан, ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис қилмайди.

Ж. БОЗОРОВ, Пайриқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси

# ЙЎЛЛАР РАВОН — МАНЗИЛ ЯҚИН

Айна пайтда юртимизда автомобил қатновини тартибга солиш, йўллارни жаҳон андозаларига мослаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу борада Чиноз туман йўл ҳўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси ҳам салмоқли ишларни бажариб келишмоқда. Чинозлик йўлсозлар шу йилнинг ўтган ойларида 5,4 километр ўрта, 15 километр тўла таъмирлаш ишларини бажариб, бу ерда ишловчилар меҳнати моддий ва маънавий рағбатлантириб боришмоқда. Бу эса ўз навбатида йўлсозлар кайфиятига ижобий таъсир этиб, уларни янада унумлироқ ишлашга чорламоқда.



Суратларда: йўл қурилиш бўлими бошлиғи (чапдан) Эркин Буртибоев, йўл устаси Бахтиёр Юсуфов, ишчилар Дилмурод Мадаминов ҳамда Мисрбек Қунибаев лойиҳа муҳокамасида; асфальт ётқизиш машинисти Абдухамид Эгамов; йўллارни таъмирлаш ишлари қизғин.

А.ХУДОЁРОВ олган суратлар

# Журналист муаммо кўтаради

мол боши 165 тага, қўйлар сонини 305 тага етказилди. Соҳани ривожлантириш учун аввало озуқа базасини мустақамлаш талаб қилинади. Шунинг учун экин майдонини кенгайтириб беришни сўраб, етти ой аввал туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат этилган. Лекин ханузгина мутасаддилардан жавоб йўқ. Дарвоқе, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бош зотли қорамол учун камид 0,45 га ер ажратиш тўғрисидаги қарори ҳам мавжуд. Атиги 5 гектарда етиштирилган беда на қўшининг гамини қўришга, на кундалик эҳтиёжга етади.

Еки шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган шохбекатдан бир вақтлар турли йўналишлар бўйича автобуслар қатнаб, йўловчилар мушкулни осон қиларди. Эътиборсизлик ва ҳусусий техникаларнинг кўпайиб кетганини сабабли бу жой хувилаб, ташландиқ ҳолига келиб қолди.

Бундан ташқари, 10 нафар қарамонига ҳеч кими йўқ кишилар, 6 на-

озгача кўрсатмасига кўра ундан бошқалар ноқонуний фойдаланишмоқда. Мурожаатларга ҳолисона бажо беришмаган, фуқаролик суди орқали иш ижобий ечим топди. Лекин ижроти таъминлашга очикдан-очик тўсқинлик қилинаётгани кишини ажаблантиради.

Ана шу ишларга дахлдор яна бир масала: ўтган йили иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, афғон уруши ва Чернobil АЭСини иштирокчилардан 320 нафарига мулкдор ташаббуси билан байрам тadbирини уюштирилди. Тadbир барчага манзур бўлди. Шундан сўнг тadbиркорга «Марказда» озиқ-овқат дўконини орасида каттагина ташландиқ жой бор, шунини обдонлаштириб, АЕКШ курсантлари, деган тахлил тушди. Бу борадаги барча ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли идораларнинг розилигини олиш масаласи қанчадан-қанча вақт талаб этади. Қизиғи, уларнинг барчаси уудаланган ва 6 миллион сўм сарфланиб, ишга жадал киришилганда кейин «АЕКШ юриш мумкин эмас» баҳонасида лойиҳа-сметани амалга ошириш тўхтатилди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай шу жойда аҳолига маийш ва техник хизмат кўрсатишга иктисослашган шохбечаларни қуришга қайтадан лойиҳа-сметалар ишлаб чиқилиб, мутасаддилар рухсати олингандан сўнг ҳам то шу кунгача ҳали у, ҳали бунини рўқча қилиб, истиқболли режаларни юзага чиқаришга тўсқинлик қилишмоқда.

— Хусусий корхоналаримиз тармоқлари ўз олдига жуда кўп мақсадларни қўйган, — дейди Бахтиёр Каримов. — Биринчи галда ижтимоий масалаларни янада кенг шакллантиришга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва 5 та истеъмол маҳсулотларига иктисослашган цехларни қуришга бел боғлаганмиз. Агар ана шуларнинг барчаси фойдаланишга туширилса, камид яна 100 нафар киши ишли бўлиши тайин. Лойиҳа-сметалар тузилган, маблағимиз ҳам бор. Бирок сўний тўсқинлар режаларни барбод қилляпти: қар кунини қилларнингдир топшириги билан солиқ, молия ва яна бошқа қўллаб идоралардан келиб ноқонуний текширишлар ўтказишди. Камчилик тополмаган эса очикдан-очик «бизга шундай топширик берилган» дейишляпти.

Бундай хатти-ҳаракатларни қандай баҳолашга ҳам ҳайрон қоласан киши. Дўпчини бошдан олиб, бу ҳақда атрафлича ўйлаб қуриш вақти келмадимикин!..

Абдусамий ХАКБЕРДИЕВ, «Ishonch» мухбири

# ТАДБИРКОР ВА ТЎСИҚЛАР

фар болаликдан ногиронларга вақти-вақти билан моддий ёрдам қилинапти. Шунингдек, болалар болчаси, мактаб, шифохона қурилишига ва ободонлаштириш ишлари учун ҳар ойда 1,5 миллион сўмдан хомийлик ёрдами кўрсатилмоқда.

Ишбилармон ўтган йили куздада яна бир хайрли ишга қўл урди: «Қалаба» ширкат ҳўжалиги тугатилиш муносабати билан чорвачилик фермасини қимодоли савдоси орқали сотиб олди. Тармоққа эътибор қўйилган, 20 нафар кишининг бандлиги таъминланди ва давлатга гуш, суг маҳсулотлари сотишни қайта йўлга қўйди.

Турғунбой отанинг даврадощларига қўшилиб чойхона ошига чиқмасдан ҳали далада, гоҳ фарзандлари юриятган корхоналарда югур-елиб юришининг сабаби бор: янги кейинги тайларда тасарруфдаги аксарият тармоқларда муаммолар пайдо бўлаётгани, бу камчиликлар ишлаб чиқариш тўғрисида эмас, аксинча, уни янада ривожлантириш учун базий мутасадди ташкилотлар томонидан сўний гоҳ қўйлаётгани очикчасига кўзга ташланиб қолди.

Масалан, «Муслима юлдузи» чорвачилик фермасида қисқа даврда

Энг ачинарлиси, ҳусусий техника ағали уларни истаган жойда бекат очиб олишган, аксарият қонуний рўйхатдан ҳам ўтмаган.

Ана шу шохбекат «Флайт-Элит» корхонаси томонидан қим ошди савдосида ҳусусийлаштирилганга ҳам икки йил бўляпти. У каттагина маблағ ҳисобига таъмирланиб, ободонлаштирилди. Аҳолига транспорт хизматини намунавий ташкил этиш учун Самарқанддаги завод билан 20 та «Отайул» автобусига шартнома тузиб қўйилган, Асака шахар ички ишлар бўлимига мурожаат қилинди. Аниқроғи, барча қатнов йўналишларини қайта тиклаш йўли билан бу жойда 40 дан ортиқ кишини ишга жалб этиш ва давлатга наф келтириш имкони яратилганлиги ҳусусида ёзма маълумот берилди. Улар розилиги олингандан сўнг, шахар ҳокимига ҳам шу маълумотга хат киритилди. Аммо ҳамон тайинли жавоб йўқ.

Буниси ҳали ҳолва экан. 2005 йилда фаолияти мутлақо тўхтаб қолган «Аскасадов» биноси қим ошди савдосида сотиб олинган эди. Иш уринларини яратиш, цехлар қуриш учун саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилганлигини ҳам ҳеч ким инкор этмайди. Шундай бўлса-да, ҳокимликнинг

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ШИФО МАСКАНЛАРИДА

Агарда пойтахтнинг Юнусобод туманидаги Обид Зокиров кўчаси бўйлаб юрсангиз, нигоҳингиз йўлни ўнг тарафидаги деворлар билан ўралган сўлим оромгоҳга тушади. Пештоқиға «Чинобод» деб ёзилган санаторийга киришингиз билан беихтиёр бу ер чиндан ҳам обод экан, деб юборасиз. Кўз ўнгиңгизда хушбўй хид таратиб турган анвоий гуллар, хиёбонлар, қишин-ёзин кўм-кўк либосдаги дарахлар, узумзорлар, ёнғок, анор, ўрик каби меваги дарахлар, сайроқи қушлар, товуслар пайдо бўлади. Теварак-атроф топ-тоза. Дарахларга шакл берилган, ўтлар ўрилган.

Бу саломатлик масканига, айниқса, ёз фаслида келган киши ўзини бошқача ҳис қилади. Чунки йилнинг тўрт фаслида ҳам манзараларга бой маскан ҳозирда янада файзли бўлиб, дам олувчилар кайфиятини кўтариб юборади, ёзининг жазирама иссиғидан асрайди. Сихатгоҳ иқлими билан ўзига хос воҳа ҳосил қилади. Бу ернинг ёздаги ҳарорати 26 даража бўлиб, ташқарига қараганда анча салқин. Қиши эса ўртача 1 даража совуқ.

## ҲАРБИЙ ГОСПИТАЛ ЎРНИДАГИ САНАТОРИЙ

— Ўтган йили ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаган санаторий 1946 йили ҳарбий госпитал ўрнида ташкил топган, — дейди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Равшан Эргашев. — Ўтган давр мобайнида у ҳам энига, ҳам бўйига ўсди. Ҳозирги кунда масканнинг 18 гектарлик ҳудудида жойлашган замонавий бинолар, даволаш бўлимлари, 250 ўринли клуб, ёзги, қишки кинотеатр, ошхона, чайхона, дўкон, кутубхона, спорт майдончалари, гимнастика зали ва кўплаб бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари дам олувчилар хизматида. Ўзининг гўзаллиги билан ҳаммани ром қилувчи товуслар киши кўнглини яйратади. 1963 йилда шифохона ҳудудидаги 1554 метр чуқурликдан маъданли сувнинг чиқарилиши унинг доврўғини янада оширди. Айни кунларда 48-50 даража иссиқ, таркибиде кам микдорли, сульфат, натрий ва бошқа кимёвий элементларга бой маъданли сув беморларни ҳар хил касалликлардан фориг этиш учун ишлатилмоқда.

Сихатгоҳ асосан овқат ҳазм қилиш аъзоларини (меъда, ичак, жигар, ўт пуфаги ва ошқозон ости бези) даволашга ихтисослаштирилган. Лекин кейинги, айниқса, мустақиллик йилларида санаторийнинг ихтисослиги кенгайтирилди. Хусусан, 1997 йил 20 ўринли қандли диабет, 1998 йили 20 ўринли гинекологик, 2000 йили эркаклар жинсий аъзолари касалликларини ўз вақтида ташхис қўйиб, даволаш муолажаларини ўтказиш мақсадида андрология бўлимига 20 ўрин ажратилди.

Бу ерга келган ҳар қандай бемор касаллик даражасига қараб муолажа олиш имкониятига эга. Деярли барча даволаш усуллари физиотерапевтик муолажаларга асослангани эса санаторийни бошқа шифо масканларидан ажратиб туради.



Жумладан, оромгоҳда маъданли сувни ичиш, ванналар қабул қилиш, шифобахш балчик, парафин ва озекерит, юқори ва паст частотали электротоклар, лазер, инфракүз, ультрабинафш нурлари, бадан тарбияси, милкларни чайиш, ошқозон ва ичакни ювиш, кўлда уқалаш усуллари кенг қўлланилади. Шунинг билан бир қаторда беморларнинг умумий аҳоли, айниқса, юрак-қон томи ва кам қонлик касалликларини ҳисобга олган ҳолда уларга дори-дармонлар, қувват берувчи шифобахш гўблардан тайёрланган дамламалар, парҳез овқатлар берилади.

Беморларга малакали хизмат кўрсатиш учун билимли, зехли, тажрибали шифокорлар, ҳамширалар ва ходимлар жалб қилинган. Ўз ишига фидойи, тажрибали мутахассислар тиббий ускуналарни моҳирлик билан бошқариб, одамларнинг дардини енгилаштирмоқда. Шифокорлар беморларни даволаш билан бир қаторда мунтазам равишда ўз малакаларини ошириб боради. Физиотерапевтик муолажалар ва дориларнинг беморларга таъсир даражаси ҳамда улар танасидаги ўзгаришларни кузатиб бо-

ришда илмий изланишлар натижаларига суянадилар. Бу ерда мунтазам олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар бўйича турли маърузалар ташкил этилади ва физиотерапевтлар учун ёрдам тарикасида тавсияномалар.

Бундан ташқари оромгоҳда беморлар билан очик мулоқотлар ўтказиб турилади. Бу ҳам ишда ижобий силжишлар бўлишга ёрдам бермоқда. Нимага деганда, мулоқот чоғида ҳар бир кишининг фикри, таклифи

кўрсатилган бир эмас, балки бир неча касалликлар аломати борлиги аниқланмоқда. — дейди яна Р.Эргашев. — Албатта, бундай беморларга кўшимча муолажалар берамиз. Баъзан шундай дам олишга келган кишилар ҳам тиббий кўрикдан ўтгандан кейин касаллиги ошқор бўлиб қолади ва даволаниб кетишади. Баъзилари эса бу ерга оқсаб ёки бировлар ёрдамида келадилар. Бундай беморлар даволаш курсларини ўтаб, тетик-бардам бўлиб хайрлашаётганида жуда хурсанд бўламиз. Чунки шифокорга беморнинг соғайишини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак.

Мавсумда сув босимининг камайиб кетиши ва танқисликнинг вужудга келишини ҳисобга олган ҳолда ер ости сувларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Қудуқнинг ишга туширилиши бир неча муаммоларнинг ижобий ҳал бўлишига имкон яратди. Жумладан, сув ва шифобахш балчик билан даволаш бўлимида муолажаларни узлуксиз давом эттириш имконини берди. Қозонхонада сув босимини бир мезбурда ушлаб туриш, иссиқ сув этказиб бериш тизимидаги камчиликлар ҳал бўлди. Мавсум вақтидаги сугуриш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш, микроклиматлар ҳосил қилишдаги му-



ишчи-хизматчилардан 30 нафари моддий рағбатлантирилди. Тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашда касабаяюшмаси билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномаси қўл кел-

## МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Бу ерда ҳар ойда маданий-маърифий тадбирлар режаси тузилади. Унга асосан турли кўнгличор ўйинлар, рақс кечалари уруш ва меҳнат фахрийлари, ижодкор санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилади. Масалан, шу йил май режасига биноан кулги кечаси уюштирилди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машхур сўз устаси Ҳожибой Тожибоев ўзининг ичак узди чиқишлари билан ҳаммининг кайфиятини кўтарди. Хушовоз хонандалар Д.Усмонов, Ш.Қаюмовларнинг концертлари бўлиб ўтди. Дам олувчилар Шахидлар майдони, Амир Темур музейи ва пойтахтимизнинг тарихий жойларига бориб келишди.

Бундан ташқари май ойида дам олувчилар ўртасида «Чинобод баҳори — 2007» курик-танлови ўтказилди. Унда андидонлик Марҳамат Рўзиқулова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин эса Самарқанд вилоятидан даволанишга келган Ҳалима Очиқдиевага насиб этди. Фолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ҳар ҳафтининг душанба кунини югуриш, пайшанба кунини эса шахмат-шашка бўйича мусобақалар ўтказилиши бу ерда анъанага айланган.

# «ЧИНОБОД» ЧИНДАН ҲАМ ОБОД ЭКАН

## ЕР ОСТИ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛДИ

Барча санаторийларда бўлгани каби ушбу шифо масканда ҳам мустақиллик йилларида қурилиш ва капитал таъмирлашга катта эътибор қаратилди. Чунки бозор итисоди шароитида мижозга хизмат кўрсатиш даражасини кўтармасдан туриб, ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун сихатгоҳда кейинги йилларда мавжуд ётоқхоналар ва бошқа нуқталар жорий ва тубдан таъмирланиб, замон талабларига мослаштирилди. Янгилари ишга туширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида эрта баҳордан текисланган ерларга майса уруғлари сеппилиб, гуллар экилди, арча кўчатлари ўтказилди, сўлим хиёбонлар яратиш ишлари амалга оширилди. Мавжуд сугуриш тармоқлари кенгайтирилди, яна ҳам мукаммаллаштирилди.

аммоларни бартараф этишнинг имкони топилди.

Бундан ташқари даволаш ва ташхис қўйиш биносининг кириш қисми ойнаванд «АКФА» ромлари билан ўралди, ўтиш йўллари кенгайтирилиб, дам олувчиларга кўшимча қулайликлар яратилди. Ҳар бир қаватдаги душхоналар таъмирланди. Соғломлаштириш биносининг олд қисми таъмирланиб, эски дераза-ромлари янгисига алмаштирил-



ди. 12-ётоқхона биносининг таъмирланмаган иккинчи ярмидаги барча хоналар пардозланди. Мустақиллик байрами арафасида 8 кишига мўлжалланган янги ётоқхона биноси қуриб, ётказилди ва ҳокказо. Жорий йилда ҳам ана шундай қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Мисол учун, 13-ётоқхона биноси янгилан-

моқда. Унга асосан ходимларга юбилей муносабати билан қимматбахо совғалар бериш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам ажратиш, тўй ва маърақа ўтказётганларни қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилган. Вақти-вақти билан ушбу даволаш масканда ишлаб кетган фахрийлар ҳолидан хабар олиб турилади. Масалан,

## БЕМОРЛАР МИННАТ ДОРЧИЛИГИ

Сихатгоҳдаги дам олаётганларнинг қайси бири билан гаплашманг, бу ердаги шароитлар, ходимларнинг хушмуомалалиги, овқатларнинг ширинлиги, муолажаларнинг самарали бўлаётгани ҳақида гапиришади. Қуйида ана шундай дил сўзларининг бир нечасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### Ойимжол ҚОБИЛОВА, Қарши шаҳридан

— Мен, Қарши шаҳридаги Уқитувчилар малакасини ошириш институтини лаборантман. Холестецид касаллигим бор. Бу ерга ҳар йили келаман. Илгари Кисловодскда дам олганман. «Чинобод»нинг Кавказ санаторийларидан ҳеч жойи кам эмаслигига амин бўлдим. Хусусан, турар-жойимизда ҳамма шарт-шароит бор. Муолажалари аъло даражада ташкил этилган. Шифокору ҳамшираларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми. Айниқса, врач Ҳолида Очилова бу борада ҳаммага ўрнак. У беморни табассум билан кутиб олади ва кетаётганда ана шундай кузатиб қўяди. Ташхисни тўғри қўйиб, муолажа тайинлайди.

### Раъно УМАРОВА, уй бекаси

— Ўғлим Беҳзоднинг ошқозони оғрийдди. Шунинг учун икки йилдан бери иккаламиз шу ерга келамиз. Самараси яхши бўлаёпти. Ўзим эса уч марта келиб, ўт халта касаллигига даво топдим. Бу ерда яратилган шарт-шароитга келсак, гап йўқ. Асосий вақтимиз муолажа олиш билан ўтишига қарамай, маданий-маърифий тадбирларда қатнашамиз. Кечқурунлари клубда кинофильм томоша қиламиз. Концертлар кўраемиз. Мен ва ўғлимга, айниқса, ҳамшира Азиза Собированинг муолажалари ёқади. Чунки ёш ва чаққон. Тез-тез ишлаб, беморларнинг кутиб қолишига йўл қўймайди.

### Музаффар ИБРАГИМОВ, Пахтачи туманидан

— Навоий кон-металлургия комбинатида ишчи бўлиб ишлайман. Ишимиз анча қийин ва зарарли бўлганилиги боис ҳар йили дам олиб, муолажа қилиб турмасак бўлмайди. Менинг касаллигим овқат ҳазм қилиш органларига боғланганлиги учун ҳар йили ушбу санаторийга келиб, даволаниб кетаман. Бу йил бешинчи марта келишим. Даволарнинг самараси бир йилга бемалол етади. Кечки пайт телевизор кўраемиз ва ҳокказо. Умуман, бу ерга келган киши ҳеч қачон зерикиб қолмайди. Чунки клуб маъмурияти беморларнинг бўш вақтларида турли хил кўнгличор ўйинлар ташкил қилади. Учрашувлар ўтказилади. Беморларга тиббий хизмат кўрсатишда ҳамшира Ҳилола Мухамедованинг ишони алоҳида таъкидлаган бўлардим. У ўзининг хушмуомалалиги, малакаси билан бошқаларга ўрнак.

### Бозорбой КЕЛДИЕВ, Қозғистон Республикасининг Жетисой туманидан

— Ўзим тадбиркорман. Мана, етти йилдирки, шу саломатлик масканига келаман. Тўғри, Қозғистонда жойлашган санаторийларда ҳам даволансам бўлади. Лекин бу ернинг шароити яхши. Бундан ташқари оқ оғриғимга, гастритимга шу ерда шифо топаёман. Ҳудуддан кейин Ўзбекистонда жойлашган сихатгоҳларда дам олиш ва даволаниш нархи бошқа жойлардагилардан анча арзон. Муолажалари ҳам ошқозон, жигар, ўт-пуфак йўллари касалликларига айна мудоао.



ди. 12-ётоқхона биносида эса таъмирлаш ишлари бажарилиди. Даволаш биноларида ФГС, эндоскопия, гинекология, ЭКГ, физиотерапия хоналари ташкил этилди, 9-бинодоги уқалаш хонаси таъмирланди. Барча ётоқхоналардаги парда, гилам, поёндоз ва кўрпа-тўшаклар янгиланди, кроват ҳамда юмшоқ мебеллар олинди.

## ҚУЛАЙЛИК

Санаторийда дам олувчилар, шифокорлар, ҳамшира ва ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида гап кетар экан, уларга касабаяюшма қўмитаси ҳамда маъмурият томонидан яратилган қулайлик, имтиёزلарни таъкидлаб ўтиш жоиз. Мисол учун, йил бошида сихатгоҳда анча йиллардан бўён ишлаб келаётган

жорий йилнинг апрел ойида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари С.Иргашев, И.Пахрудинов ва фуқаролар Е.Абдуллаева, М.Пахрудиновлар моддий қўллаб-қувватланди. Улар байрам кунлари бир пилла чойга таклиф қилинади. Учрашув ва кечаларда улар ўзларининг бой тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Жамоа шартномасига асосан ходимларнинг ҳаммаси махсус кийим-бош билан бепул таъминланади. Зарарли ишда ишловчиларга сут ва сут маҳсулотлари берилади. Фарзандларининг ёзги таътилини юртимизнинг баҳару жойларида ўтказиш уюштирилади. Болалар янги йил байрамида кўйроқ театри томошаларидан бахраманд бўлиши, совғалар олишади.

Кутубхона клубда жойлашган бўлиб, кўпчилик бу ердаги тадбирлардан олдин ёки кейин китоб мутоала қилишади. Зиё масканида 6300 та китоб бор. Республикада чоп этиладиган газеталар тахлами мавжуд. «Президент асарларини ўрганамиз», «Куч — адолат» бурчаклари ташкил қилинган. Миллий ғоя тарғиботи бўйича бошқарув раиси Одилжон Мамажонов раҳбарлигида гуруҳ тузилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Чинобод»да дам олиш ва даволаниш учун барча шароитлар мўжайиб. Маданий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун санаторий ўтган йили Юнусобод ҳокимлиги томонидан «Фахрий ёрлик» билан мукофотланди. **Г**

Гулом ЮСУПОВ, «Ishonch» мухбири

# Чуст дўппилари



Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ  
олган сурат

## Хотира турнири

# ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ

Яшашдан мақсад — ватанга, халққа наф келтириш, эзгу ишлар қилиб, ҳаётда ўздан ёрқин из қолдиришдан иборатдир. Яхшидан ном қолади, деб шунга айтишади. Қолаверса, ўтганлар ёди муқаддасдир.



Сирдарё туманидаги 17-урта мактабга узоқ йиллар раҳбарлик қилган Шоди домла Абдалиев ана шундай эъзоз ва ар-сўзга чиқиб, Шоди домла билан боғлиқ ибратли ишлардан ҳикоя қилишди. Хотира турнирида 20

Янгийўл туман Гулбахор кўрғонидаги спорт ўйингоҳида Тошкент вилояти миқёсида фахрийлар ўртасидаги мини футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Мазкур турнир 2000 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариев ва Узув туманларида жангариларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий учувчи Шермухаммад Аширов хотирасига бағишланди.

Мусобақада Чиноз, Зангиота, Янгийўл туманлари терма жамоалари ва «Тинчлик» фермерлар худудининг фахрий футбол жамоалари ўзаро баҳс олиб бордилар. Беллашув кизгин тус олди. Гуруҳлар ўртасида юқори натижага эришган Янгийўл ва Чиноз туман футбол жамоалари финалда ўзаро куч синашди. Галаба чинозлик меҳмонларга насиб этди. Голиблар туман ҳокими яти, «Камолот» ЕИХ бўлими ҳамда Маданият ва спорт бўлими томонидан тақдир этилган кимматбахо совғалар билан тақдирландилар. Турнирнинг «Энг яхши ўйинчиси» номига дарвозабон Амирхон Архашев (Чиноз тумани) ва Сирожиқдин Ориповлар (Зангиота тумани) муносиб топилдилар. Уларга Янгийўл туман касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг махсус совғалари топширилди.

Мактуба МҮМИНОВА,  
«Ishonch» муҳбири

П.ДУСТМАМАТОВ

Ёз фаслининг ўзига хос гаши, таровати бор. Айниқса, бу мавсумни олий ва ўрта махсус ўқув юрлари талабалари, коллеж ҳамда мактаб ўқувчилари орзиқиб ўтишади. Аксарият ишчи-хизматчилар ҳам меҳнат таътилини ёзда ўтказишга ҳаракат қиладилар. Табиийки, кунлар иссиқи билан канал, очик сув ҳавзалари, анхор ва қўлларда чўмилишга эҳтиёж сезилади. Бу масканлар, айниқса, ҳафтанинг шамба ва якшанба кунлари янада гавжум бўлади. Маълумотларга қараганда, ёз фасли нисбатан иссиқроқ келиши кузатишмоқда. Албатта, фусункор табиат бағрида чигалини ёзиб, чарчоқни унутиб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин! Бундай пайтда оқар сув — жоннинг роҳати. Бироқ айрим ҳолларда чўмилиш кўнгилсизлик билан тугаётганлиги ҳам

## Долзарб мавзу

бор гап. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишининг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя қилмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда сувга шўнғиш ва бошқа омиллардир. Яна бир ҳолатга эътиборни жалб этмоқчимизки, чўмилиётганда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Чунки сув остида турли шиша синиқлари, очиб ташланган консерва идишлари, металл ва бошқа қаттиқ жисмлар ҳам бўлиши мумкин.

Тахлилларга қараганда, сувда чўкиб нобуд бўлиш ҳодисаларига асосан қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлмоқда.

- чўмилиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик;
- ёш болаларнинг назоратсиз қолиши;
- чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера олмаклик, яъни кутқарув усулларидан беҳабарлик;
- кирғоқдагиларнинг ёрдам кўрсата билмасликлари;
- сузиш пайтида енгилтаклик ёки лоқайдлик ва ўз кучига ортиқча ишониш;
- сув ва қайиқда беэрилик ёки номуносиб хатти-ҳаракатлар қилиш;
- ёлғиз ҳолда чўмилиш ва ҳоказолар.

Юқорида айтиб ўтилган эслатмаларга риоя қилинса, кўнгилсизликларнинг олди олинган бўлур эди.

Баъзан яхши ниятлар билан чўмилиш масканларига оилавий бўлиб чиққанлар орасида ҳам бахтсиз ҳодисалар учраб турибди.

«Чорвоқ» сув омборида она-болаларнинг чўкиб

кетишгани ҳақидаги маълумот ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди. Бир аёл чўкиб кетаётган боласининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўзини сувга отади.

Шу йилнинг 12 май кuni «Халқлар дўстлиги» кўчаси яқинидаги суний кўлда 13 яшар кизчанин чўкиб кетгани тўғрисида Тошкент шаҳар факуллодада вазиетлар бошқармаси тезкор-навбатчилик қисмига маълумот тушди. Кутқарув гуруҳи воқеа жойига етиб келишди. Гаввослар шошилинч ёрдам кўрсатди. Ордан кўп ўтмай, тиббий хизмат кўрсатиш ҳодимлари ҳам етиб келишди. Бироқ вақт ўтгани сабабли барча савий-ҳаракатлар самарасиз тугади. Оқибати кўнгилсизлик билан тугаган шунга ўхшаш мисоллар ҳар бир кишини хушёр ва огоҳликка даъват этиши керак.

## ҚУТҚАРУВЧИ-ФАВВОСЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Хукуматимиз фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча ишларни амалга ошираётганига қарамастан, бахтсиз тасодифлар учраб турибди. Бундай эҳтиётсизликларнинг юз беришига кўпроқ ўзимиз сабабчи бўлаётганимизни айтиб ўтиш жоиз. Таъкидлаш керакки, чўккан одамни олиб чиқиш мақсадида вазиетлик ва унинг вилоятлардаги бошқармалари ҳузурда «Сувда кутқарув» гуруҳлари ташкил этилган. Илгари гаввослар Россиянинг Воронеж шаҳрида ўқитиларди. Бугунги кунда мустақил республикамизда ФВВ қошида гаввослар мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу даргоҳни битирган юзлаб кутқарувчи-гаввослар жойларда хизмат вазиетларини сидқидилдан бажариб келяптилар. Айрим кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ва бошқа хавфсизлик чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Фавкуллода вазиетлар вазиетлиги қидирув-кутқарув тузилмаларини мустаҳкамлаш мақсадида Вазиетлар Маҳкамасининг Фармойиши чиққан эди. Мазкур ҳужжатга кўра, сувдан кутқариш хизмати билан Фавкуллода вазиетлар вазиетлиги ва унинг жойлардаги тузилмалари бевосита шугулланади. Шунинг эътирофи эътиш керакки, сунгги вақтларда бу ўзининг ижобий самарасини кўрсатаётти.

Вазиетлик қошидаги Тезкор ҳаракат қилувчи республика кўп тармоқли маркази, Чирчиқ шаҳридаги Махсус тезкор ҳаракат қилувчи отряд, пойтахт «Сувдан кутқарув хизмати» ҳамда худудий ҳаркамаларда иш олиб бораётган гаввослар сув ҳавзаларида навбатчиликни кучайтиришган. Гуруҳлар махсус кийим ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминланган. Улар сувга чўкаётганларни кутқариб қолишдан ташқари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ҳам ўзлаштириб олганлар. Шундай бўлишига қарамастан, сувда чўкиб ҳалок бўлаётганлар бор, баъзи ҳолларда чўкур сув қаърига тушиб кетганлар жасадини ўз вақтида топишининг ҳам имкони бўлмаётганлиги.

Кундлик ҳаётимизда рўй бераётган кўнгилсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар республикамиз ФВВга тез-тез келиб турибди. Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, сувга фарқ бўлганлар қўриқланмайдиган сув ҳавзаларида кўпроқ кузатишмоқда. Айниқса, чўкаётганларнинг аксариятини болалар ташкил этади. Тошкент шаҳар факуллодада вазиетлар бошқармаси маълумотларига қараганда, сувга чўкиб нобуд бўлганлар ўтган йили 51 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу вақтига қадар 15 кишининг жасади сувдан олиб чиқилди.



## СУВ БАЛОСИДАН АСРАСИН!

Гаввосларнинг айтишига қараганда, сув тубига чўкиб кетган одам узоғи билан беш-олти дақиқа ичида олиб чиқилса, унинг ҳаёти сақланиб қолиши мумкин экан. Ақ ҳолда...

Ўтган йили пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» кўчаси яқинидаги суний кўлда Шайхонтоҳур тумани Архангельский кўчасидан чўмилишга келган ака-укалар чўкиб ҳалок бўлишди. Укаси чўкаётганини кўрган ака дарҳол сувга шўнғиди ва ўзи ҳам ҳалок бўлди. Бундан саросимага тушган ўғил А. Мўминов ҳамда унинг амакиваччаси А. Мўминовлар оға-ини ва қариндошларини кутқармоқчи бўлиб, чўкиб кетаётганларида кутқарувчи-гаввослар етиб келишади ва улар ҳаёти сақлаб қолишади.

Яқинда шахсий машинасини ювиш мақсадида Бўзсув қирғоғига икки нафар ўғли билан келган М. А. Исмили шахс челақда сув оламан, деб ўзи сувга тушиб кетади. Буни кўриб саросимага тушган 12 ва 8 ёшли ака-укалар отани кутқариш учун шўнғишади. Ота бир амаллаб қирғоққа чиқиб олади. Шу пайтда Байдаркада сузиб келаётган нотаниш йигит аса 12 яшар боланин жонига оро кирди. Бироқ сажкиз яшар болакай отаси ва ақсининг кўз ўнғида чўкиб нобуд бўлади.

Яна бир мисол: Каттакўрғон шаҳри худудидан оқиб ўтувчи Нарпай каналда 6 яшар болакай чўкиб кетаётганда невараси ҳаётини сақлаш мақсадида бобоси сувга шўнғиди. Минг арсуқчи, бобо ҳам сувга фарқ бўлади. Шу кунийқ қидирув-кутқарув ишлари бошлаб юборилди ва жасадлар олиб чиқилади. Шунингдек, Жиззах вилояти, Бахмал туманида истиқомат қилувчи М. О. Исмили шахс «Дехқонобод» фермерлар худудидан оқиб ўтувчи «Туйтортар»

каналдан ҳосил бўлган суний кўлда маст ҳолда сузаётганда қайиқ ағдарилиб кетиши натижасида чўкиб кетган.

Айрим маълумотларга қараганда, кўнгилсиз ҳодисалар бу билан тугамайди. Пойтахтнинг Гулҳанний кўчаси яқинидаги Октепа майдони орқали оқиб ўтувчи анҳорга енгил автоулов тушиб кетгани тўғрисида маълумот келган заҳоти тўғрлик билан воқеа юз берган жойга етиб келган кутқарувчи-гаввослар томонидан оқ рангли «Нексия» енгил автоулови қирғоққа олиб чиқилди. Машина ичидан икки фуқаронинг мурдаси топилди. Уларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда машинада ўтирганлиги аниқланди.

Худди шунга ўхшаш воқеа илгари Сурхондарё вилоятида ҳам рўй берганди. У юқоридаги ҳодисадан бирмунча фарқ қилади. «Тупалан» сув омбори ёқасидан енгил машина боролмайдиган кўшни қишлоққа келин-куёвни ва уларнинг қариндошларини олиб кетаётган «КамАЗ» юк машинаси носозлиги оқибатида сувга ағанаб кетган. Машинада бўлганлар ўзларини ташлаб, жонларини сақлаб қолишга улгурган. Келин-куёв эса... ҳар қанча қийин бўлмасин, сурхондарёлик кутқарувчи-гаввослар 40 метр чуқурликда қолиб кетган келин-куёв жасадини ва катта юк автомашинасини олиб чиқишган эди.

Ҳар қандай эҳтиётсизлик ёши ва жинсидан қатъи назар инсон ҳаёти учун қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам чўмилишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилган маъқул.

Нафақат катта сув ҳавзаларида, балки кичик дарёлар ва истироҳат боғларидаги кўлларда ҳам чўмилишда эҳтиёт бўлиш керак. Айниқса, болаларни назоратсиз қолдириб бўлмайди.

Азамат СУЮНОВ

## Тадбир

# ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Спорт ва санъат доим халқларни бирлаштириб, ўзаро дўстлик, биродарлик сари отақлайди. Тошкент шаҳар маданият ҳодимлари касабаси уюшмаси кенгаши ва Ҳамза туман тармоқ касабаси уюшмаси кенгаши ҳамкорликда «Офицерлар маданият уйи»да «Биз Ўзбекистоннинг келажак фарзандларимиз» деб номланган тадбир ўтказди.


Унда авиасозлар маданият уйининг «Тенгдош» хаваскорлик жамоаси, «Қалдирғоч», «Баҳор», «Камалак», «Сугдиёна» каби болалар рақс ансамбллари ўз санъатлари билан кечага фойз бағишладилар. Раққоса қизлар ижросидаги ўзбек, турк, испан, эрон ва бошқа шарқ халқлари рақслари кўнгилларга хуш кайфият бахш этди. Айниқса, қизалоқларнинг нафис чиқишлари йиғилганларда таассурот қолдириди.

Шунингдек, «Козок аёллари» ансамбли қатнашчилари ажойиб қўшиқлари билан даврага фойз киритишди. Моҳир спортчиларимиз П.Богданов, С.Болова раҳбарлигидаги ушу, дзюдо спорт тўғраги болалари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Саҳнадаги ҳар қайси ижро ерга таширф бўлган ота-оналар ва болалар қалбига бир олам қувонч бағишладилар. Тадбир сўнгида Тошкент шаҳар Маданият ҳодимлари касабаси уюшмаси раиси С.Алиможаев жамоалар аъзоларига совғалар топширди.

Р.САЙДАХМЕДОВА,  
«Ishonch» муҳбири

Фарғона шаҳар Гуломжон Зокиров номидаги Республика ҳуқуқий лицейидан Даминов Дилшод Азимович номига 2004 йил 22 июн кuni берилган № 1366662 рақамли шахадатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Сўзсиз сурат  
А.ҲАКИМОВ  
чизган сурат

### ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи  
масъулияти чекланган жамияти

\* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» автомобилларини нақд ва пул ўтказиш йўли билан, «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга сотишини маълум қилади.

\* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.  
\* Автомобилларга божжона солиғи тўланган.  
\* Уларнинг сифати тўла қафолатланади.

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.  
Мурожаат учун телефонлар:  
(8-371) 276-33-51, 276-77-20.  
Факс: (8-371) 276-97-40

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади. Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54

МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси



БОШ МУҲАРРИР

Абдуҳолик  
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

- Алла Долженкова,
- Виктор Зверев
- (бош муҳаррир ўринбосари),
- Маъмура Адилова,
- Мирзоҳид Содиқов,
- Носирхон Акбаров,
- Ойсулов Нафасова,
- Пиримқул Қодиров,
- Соғиндиқ Ниетуллаев,
- Шамси Эсонбоев,
- Элёр Ёқубов,
- Фуломзокир Юсупов

Бизга кўнғироқ қилинғ:

Котибият  
153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими:  
153-87-63

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими:  
153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими:  
153-87-74

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими:  
153-82-79

Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш бўлими:  
153-85-43

Реклама ва эълонлар бўлими:  
153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи:  
133; 134

E-mail:  
ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинғ

сешанба,  
пайшанба ва  
шанба кунлари  
чиқади.

Навбатчи котиб -  
А.Алламуродов  
Навбатчи муҳаррир -  
А.Ҳақбердиев  
Навбатчи - А.Абдиев  
Мусаҳҳок - Д.Раҳмонова

Саҳифаловчи-дизайнер:  
Ю.Михайловский

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси,  
41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.  
ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-2.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нарҳда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Топширилди - 19.30

Буюртма Г — 514

Тиражи: 16558